

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАБОВА СЕВАРА КАТТАҚУЛОВНА

ИЛМий БАҲСНИНГ МАНТИҚИЙ-ЭПИСТЕМИК ТАҲЛИЛИ

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантиқ

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Турабова Севара Каттақуловна

Илмий баҳсинг мантиқий-эпистемик таҳлили..... 3

Турабова Севара Каттақуловна

Логико-эпистемический анализ научного спора 23

Turabova Sevara Kattaqulovna

Logical and epistemic analysis of scientific discussion 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРАБОВА СЕВАРА КАТТАҚУЛОВНА

ИЛМий БАҲСНИНГ МАНТИҚИЙ-ЭПИСТЕМИК ТАҲЛИЛИ

09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантиқ

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fal16 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) веб-саҳифанинг (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипов Маматхон Шарипович
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Қўшоқов Шухрат Солиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Бозоров Дилмурод Мирзарасулович
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа доктори (PhD), фалсафа ф.б.

Қ.Н.Назаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсониятнинг учинчи минг йилликдаги тараққиёти жамият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафкуравий соҳаларининг янгилалиши, одамлар дунёқарашининг ўзгариши билан бошланди. Ахборотлашган жамият деб ном олган XXI асрда файласуф олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқотларда инсоннинг интеллектуал салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, янги ижтимоий институтлар, тизимлар ва тузилмаларнинг такомиллашиб бораётганлиги илмий фаолият ва фан методологияси олдида янги вазифа ва талабларни кўндаланг қўймоқда. Ана шундай вазифалардан бири илмий муаммоларни ҳал этиш, тўғри ечимларни топишнинг ишончли усули бўлган илмий баҳс-мунозаранинг мантикий-эпистемик жиҳатларини тадқиқ этишдир.

Жаҳон фалсафий тадқиқотлар тизимида баҳс-мунозаранинг илм-фан ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт тизимидаги интеграциясининг мантикий-эпистемик таҳлилига оид конструктив аҳамиятга эга фундаментал тадқиқотлар олиб берилмоқда. Айниқса, ҳозирги илмий-назарий билиш соҳасида янги билим ҳосил қилишга йўналтирилган эмпирик таҳлилнинг фан учун белгиловчанлик кучи нисбатан заифлашиб, идеал объектлар ва математик моделлар билан фикрий экспериментлар ўтказишнинг устуворлиги кучайиб бораётган бир пайтда, айнан илмий баҳс доирасида фаннинг концептуал аппарати структурасини аниқлаштириш ва мукаммаллаштиришга олиб боровчи замонавий мантикий концепциялар самарали хизмат қилади. Айнан фанларнинг дифференцияллашув ва интеграцияллашув жараёнлари жадал кечаётган ҳозирги даврда, илмий билимларни ноилмий билимлардан ажратиб олиш муаммосини ҳал қилишда илмий баҳснинг мантикий-эпистемик восита сифатидаги ўрнини тадқиқ этиш замонавий илм-фаннинг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида парламент ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳуқуқий-демократик тамойилларнинг ривожланиши билан сиёсий позицияларни шакллантириш, ҳаракат дастурини ишлаб чиқишда баҳс-мунозара асосий методлардан бири сифатида хизмат қилади. Чунки, баҳс жамиятда демократиянинг реал тарзда амалга ошишининг кўрсаткичидир. "...чинакам баҳс, мунозара, принципаал тортишув аввало парламент минбарида бўлиши керак. Шундагина ҳар бир сиёсий партия, парламентдаги ҳар бир партия фракциясининг ҳақиқий қиёфаси ва позицияси аниқ бўлади".¹ Мазкур ҳолат илмий баҳс феноменини илмий ва ижтимоий муаммоларни

¹Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 2017 йил 12 июль.

ўрганишнинг мантикий ва когнитив билиш механизми сифатида тадқиқ этишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 18 январдаги ПФ-5635-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳақиқатни баҳс-мунозаралар ва оммавий муҳокамалар ёрдамида излаб топиш муаммоси билан дастлаб Қадимги Шарқ ва Юнон алломалари қизиқишган. Шарқ фалсафасида IX-XIV асрларда Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Ғаззолий, Умар Тафтазоний, Саййид Журжоний, XVI-XX асрларда Ғарб олимларидан И.Кант, А.Шопенгауэр, М.В.Ломоносов, С.Поварнин, М.Сперанский, К.Поппер каби алломалар ижодида баҳс-мунозара мавзуси алоҳида ўрин эгаллаган.

Бироқ XX асрнинг бошларига келиб, далиллаш назарияси ва амалиёти муаммолари олимлар томонидан деярли ўрганилмай қўйилди. Узоқ йиллар давомида мантиққа оид бўлган адабиётларда мантиқнинг формаллашган образи ҳукмронлик қилди. Натижада мантиқ илмининг концептуал аппаратидан баҳс ва далиллаш билан боғлиқ атамалар йўқолаётган эди. Табиийки, бундай ҳолат эристика ва далиллаш назарияси масалаларининг формал мантиқ доирасида ривожланмай қолишига сабаб бўлди. Фақат XX асрнинг охирларига келиб замонавий мантиқда далиллаш хусусидаги тасаввурлар концептуал тизим даражасига кўтарилди. Хусусан, хорижлик олимлардан Ф.Имерен, Р.Грутендорст, Ф.Хенкемас¹, П.Хоутлоссер, Э.Фетерис ва бошқалар аргументлашнинг прагматика номи остидаги замонавий концепциясини ривожлантирдилар. Бундай ёндашувда улар, асосан, далиллашнинг фойдали-

¹ Франс ван Имерен, Роб Грутендорст, Франсиск Снук Хенкеманс. Аргументация: анализ, проверка и представление. – Москва: 2002.

лик (прагматик) ва баҳс-мунозаранинг диалектик характерининг афзалликларини бирлаштиришга ҳаракат қилишган.

Ҳозирги даврда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимлари И.Герасимова, А.Ивин, Е.Н.Лисанюк¹, А.Мигунов, И.Микиртумов, Г.Рузавин, И.Сидорова², И.Хоменко ва бошқалар томонидан далиллаш назариясига оид илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, уларда баҳснинг турли томонлари тадқиқ қилинган.

Республикамизда С.Каримов³, Б.Тураев, Д.Файзихўжаева⁴, М.Хайруллаев, М.Шариповнинг⁵ мантиққа оид ўқув қўлланмаларида, Қ.Назаров, М.Тўлаганова⁶ ва Ш.С.Қўшоқовнинг илмий тадқиқотларида далиллаш назариясига оид муаммолар таҳлил этилганлигини кузатамиз.

Муаммонинг ўрганилганлик даражасини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, далиллаш назариясининг ўзига хос хусусиятлари соҳа олимлари томонидан ўрганилиб келинаётган бўлса-да, баҳсни далиллашнинг хусусий кўриниши сифатидаги мантикий-эпистемик таҳлили махсус тадқиқ этилмаган. Айнан ушбу ҳол мавзумизнинг илмий нуқтаи назардан долзарблигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2016-2019 йилларда бажарилган А-1-69 рақамли “Фалсафа (қўллаш соҳаси) мутахассислиги магистрантларини юксалтиришнинг ўқув-методик базасини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади илмий баҳснинг фан тараққиёти ва ижтимоий ривожланишдаги конструктив ролини мантикий-эпистемик нуқтаи назаридан очиқ бериш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

баҳс юритишнинг билиш воситаси сифатида шаклланиши ва бу ҳақдаги қарашларнинг фалсафий фикр тарихида ривожланиб бориши, унинг хусусияти ва функцияларини замонавий мантиқ тамойиллари асосида ёритиш;

баҳснинг билиш воситаси сифатида амалиёт билан боғлиқлиги, билимнинг асосли бўлишига хизмат қилиш механизмини аниқлаш;

баҳснинг муаммоларни қўйиш ва ҳал этиш воситаси эканлиги, хусусан, баҳс асосида муаммонинг аниқланиши унинг мантиқан тўғри қўйилиши ва

¹ Лисанюк Е.Н. Логико-когнитивная теория аргументации: диссер. ... доктора философских наук. – Санкт-Петербург, 2015. – 295 с

² Сидорова И.М. Научная дискуссия как объект философского анализа: диссер. ... доктора философских наук. – Москва, 1999. – 299 с

³ Каримов С. Мантик. – Тошкент: ИИВ Академияси нашриёти, 2001.

⁴ Файзихўжаева Д. Абу Наср ал-Форобий ва Абу Али Ибн Сино мантикий исботлаш ҳақида. – Тошкент: Нишон-Ношир, 2013. – 144 б

⁵ Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантик. – Т.: F.Фулом, 2007.; Шарипов М. Категориальные знания и их виды. Монография – Т.: Университет, 1995.; Sharipov M. The synergetics: Interdisciplinary synthesis of concepts/Theoretical and Applied science № 11(31)2015 26-30 – Lancaster, USA 2015

⁶ Тўлаганова М. Абу Наср Форобийнинг диалектикаси ҳақидаги таълимоти замонавий аргументлаш назарияси талқинида.: фал.фан. доктори(PhD) номз. дис.автореф. ... – Тошкент, 2017.

ҳал этилиши учун шароит яратиши, унинг илмий асосланишига имкон бериши масалалари моҳиятини очиб бериш;

илмий баҳснинг исботлаш ва рад этиш жараёни билан боғлиқ эканлиги, уни тўғри амалга ошириш учун исботлаш ва рад этиш қоидаларига риоя қилиш, баҳс юритишнинг стратегияси ва тактикасини тўғри тузиб олиш, уларни бузганда келиб чиқадиган мантикий хатоларни аниқлаш ва тузатишнинг зарурлигини илмий асослаш;

баҳснинг ижтимоий ҳаёт, сиёсий вазият ва уларни акс эттирувчи диалектик тафаккур тарзи билан ўзаро креатив алоқадорлигини очиб бериш;

Тадқиқотнинг объекти илмий баҳс юритиш механизмининг мантикий тафаккурда намоён бўлиши.

Тадқиқотнинг предмети илмий баҳс феноменининг мантикий-эпистемик асосларини ўрганиш орқали унинг илм-фан тараққиёти ва ижтимоий ривожланишдаги ролини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда фалсафанинг танқидий-рефлексив таҳлил (фалсафий муроқаба), герменевтик таҳлил, умумлаштириш, таққослаш, мантикий-детерминизм, тарихийлик ва мантикийлик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шарқ ва Ғарб тафаккур тарзига хос бўлган баҳс юритишнинг диалектик, риторик ва софистик моделларини қиёсий таҳлили асосида миллий менталитетимиз ва минтақавий ўзига хослигига мос бўлган баҳснинг конструктив танқид, руҳий мўътадиллик, умумий консенсус (муросаи мадора), ахлокий меъёр, фалсафий муроқаба сингари хусусиятлари аниқлаб берилган;

янги илмий билимлар шаклланишида баҳс-мунозараларнинг ижодий фикрлаш жараёнини рағбатлантиришнинг самарали ва ишончли усули бўлган жамловчи, қўзғатувчи ва сараловчи аҳамияти шарқона мантикий хусусиятлар сифатида асослаб берилган;

илмий баҳснинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда муҳим мантикий восита сифатидаги методологик, прогностик аҳамияти ва ундан конструктив фойдаланишнинг муросавий имкониятлари Ўзбекистонда барқарор ривожланиш жараёнларини модернизациялаштириш тажрибаси мисолида очиб берилган;

илмий баҳснинг мантикий-эпистемик жиҳатлари аргументланганлик, муқобиллик, ҳамкорлик, креативлик, нозикчилилик каби тамойиллар доирасида чин ва ишончли билим ҳосил қилиш воситаси эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

диссертацияда баҳс юритиш масаласининг замонавий мантиқ ва эпистемологияда қўйилишини таҳлил этиш орқали баҳснинг билиш жараёни, амалий муҳокама юритиш, хусусан, илмий муаммоларни қўйиш ва ҳал этиш жиҳатлари асосланган;

илмий баҳсни мантикий-эпистемик жиҳатдан тадқиқ этиш натижасида ундан унумли фойдаланиш механизмлари ишлаб чиқилган;

илмий баҳс-мунозараларнинг мантикий-эпистемик механизмининг асосий хусусиятларидан бири сифатида илмий баҳснинг қатъий илмий исбот-далилларга асосланган ҳолатда ҳақиқатни излаш имкониятлари ишлаб чиқилган;

юртимизда ҳуқуқий-демократик ислохотларни янада такомиллаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир вазифаларни муваффақиятли ва самарали ҳал этишда илмий баҳснинг функционал аҳамияти илмий асосланган ва уларга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ОАК рўйхатидаги махсус журналлар, хорижий журналларда чоп этилган илмий мақолаларда акс эттирилган хулосалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган назарий хулосалардан ижтимоий коммуникациянинг турли даражаларида бўладиган мулоқотни самарали ташкил этишда, оммавий ахборот воситаларида бериладиган ахборотларнинг чинлик ва ишончлилик даражасини аниқлашда, ижтимоий муносабатларни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларда кенг миқёсда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган концептуал ғоялар, умумлаштирилган илмий хулосалардан “Фалсафа”, “Мантиқ”, “Аргументлаш назарияси”, “Фалсафа тарихи”, “Илмий-тадқиқот методологияси”, “Социология” фанлари бўйича дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда, махсус курсларнинг мос мавзулари бўйича машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади. Ишнинг натижаларидан “Фалсафа қомусий луғати”, “Фалсафа энциклопедик луғат”ларнинг бўлажак нашрларида илмий баҳс ва унинг хусусий кўринишлари (дебат, дискуссия, полемика, диспут ва ҳ.к.)га таъриф беришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий баҳснинг мантикий-эпистемик таҳлили бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни тадқиқ қилиш асосида:

илмий баҳсларнинг ривожланиш тарихини ўрганиш асосида илмий баҳс механизмининг муҳим хусусиятларининг қўлланиши, илмий баҳс жараёнида диалектик қарама-қаршиликларни ҳал қилишнинг асосий тамойиллари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларига оид назарий ва амалий хулосаларидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 2016-2019 йилларда бажарилган А-1-69 рақамли “Фалсафа (қўллаш соҳаси) мутахассислиги магистрантларини юксалтиришнинг ўқув-методик базасини такомил-

лаштириш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа ижросида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 майдаги 89-03-2018-сон маълумотномаси). Натижада илмий баҳснинг ижодий фикрлашни рағбатлантиришнинг инновацион усул сифатидаги аҳамияти билиш жараёнида амалий муҳокама юритиш, илмий муаммоларни қўйиш ва ҳал этиш жиҳатларини аниқлашга хизмат қилган;

герменевтикада тушунтириш жараёни ифодаловчи тушунчалар таҳлили, талқин, деструкция, деконструкция, маъно ва мазмун, герменевтик тафаккур, тил ва илмий баҳс, эристика, аргументлаш назарияси, инновацион тафаккурнинг илмий билимларнинг шаклланишида баҳс-мунозараларнинг аҳамиятига оид хулосаларидан “Герменевтика” номли ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 майдаги 89-03-2018-сон маълумотномаси). Натижада илмий билимларнинг шаклланишида баҳс мунозараларнинг аҳамиятига оид таҳлил ва изоҳланишда асос бўлиб хизмат қилган;

янги илмий билимлар шаклланишида баҳс-мунозараларнинг муқобил, айниқса, қарама-қарши нуқтаи назарларни таққослаш воситаси, ижодий фикрлашни рағбатлантиришнинг инновацион аҳамиятига оид хулоса ва тавсияларидан Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясининг “Муносабат” ток шоусининг 2019 йил 23 апрель куни эфирга узатилган ва “Мулоқот” кўрсатувининг 2019 йил 16 май куни эфирга узатилган сонларида кўрсатувлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 23 майдаги 01-01/201-сон маълумотномаси). Натижада, сўз эркинлигини таъминлаш ва бу соҳадаги янгиланишлар, баҳс-мунозаралар орқали таҳлилий телерадио материаллар тайёрлашда ва уларнинг аҳамияти ошишига хизмат қилган;

баҳс юритишнинг мантикий-эпистемик мақомини ўрганишга концептуал-методологик ёндашиш, илмий баҳс юритишнинг мантикий-эпистемик воситалари, баҳснинг билиш жараёни ва ижтимоий ҳаёт муаммоларини ҳал этишдаги ролини очиқ беришга қаратилган методологик таклиф ва тавсиялардан Республика маънавият ва маърифат Марказининг “2018 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури”нинг VII боб “Маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари” 51-банди “Жамиятдаги, айниқса, ёшларда фуқаролик позицияси ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг ғоявий-мафкуравий механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришда кенг фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 29 майдаги 02/09-648-19-сон маълумотномаси). Диссертацияда илгари сурилган илмий хулоса ва амалий тавсияларнинг қўлланилиши республика маънавият ва маърифат маркази томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг маънавий-маърифий самарадорлигини ошишига хизмат қилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 20 та республика илмий-назарий ва илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 дан ортиқ илмий ишлар chop этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертацияларининг асосий илмий натижаларини chop этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола(жумладан, 5 та Республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Баҳс юритишнинг мантиқий-гносеологик мақоми тўғрисидаги қарашлар эволюцияси”** деб номланган биринчи боби икки параграфдан иборат бўлиб, унда муаммоларни тадқиқ қилиш жараёнида муҳокама қилиш йўли билан ҳақиқатни излашга мўлжалланган мулоқотнинг энг уюшган ва тизимли шакли бўлган баҳс феномени ҳақидаги қарашлар эволюцияси, унга доир назарий талқинлар мантиқий-гносеологик ёндашув асосида таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг **«Билиш тарихида эристиканинг шаклланиши ва ривожланишининг ижтимоий-тарихий ва мантиқий-гносеологик асослари»** номли параграфида мавзуга оид мавжуд материаллар, шу жумладан, янги адабиётларга таяниб, эристиканинг моҳияти ва эволюцияси таҳлил этилади. Эристиканинг қадимги даврдаги ижтимоий ҳаёт, сиёсий вазият ва уларни акс эттирувчи фалсафа, диалектика, мантиқ билан узвий равишда боғлиқ ҳолда вужудга келганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Баҳс моҳиятини тадқиқ этиш унинг диахроникасини, яъни тарихий-эпистемик таҳлилини амалга оширишини тақозо этади. Чунки баҳс эпистемологиясининг кўп қиррали муаммоларини диахрония ёндашувлари асосида тадқиқ қилиш, муҳим эвристик натижаларни қўлга киритиш имкониятини беради. Баҳс, ривожланаётган интеллектуал феномен сифатида ўзининг вужудга келиш, шаклланиш ва ўзгариш босқичларини босиб келмоқда. Шун-

га мувофиқ, у тадрижий ва инқилобий янгиланиш жараёнларини ўз бошидан кечирди.

Баҳс қарама-қарши фикрларни исботлашнинг махсус шакли, шунингдек, масаланинг тўғри ечимини излашнинг мақбул усули сифатида инсоният тарихининг энг қадимги давларидаёқ муайян ижтимоий ва сиёсий вазият таъсирида юзага кела бошлаган. Шу тарзда, бир томондан, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг амалий талаб-эҳтиёжлари, иккинчи томондан эса, объектив моддий жараёнлар ҳамда ҳодисаларнинг тушунчалар мантифида акс этиш диалектикаси ҳамда бунинг натижасида табиат ва жамият ҳодисаларига оид турли қарашларнинг вужудга келиши, мавжуд бўлган нуқтаи назарлар орасидан чинини аниқлаш санъати, бир позицияни исботлаш ва бошқасини рад этиш қобилияти сифатида диалектиканинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳақиқатни баҳс-мунозаралар ва оммавий муҳокамалар ёрдамида излаб топиш қадимги Шарқ ва Юнонистон цивилизацияларини характерлайдиган хусусиятлардан бири, шу билан бирга, ўша давр ҳаётининг ижтимоий-сиёсий талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳодиса ҳисобланади. Хусусан, бу “ҳокимиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида ибодатхона ва мактаблар ўртасидаги курашлар (Ҳиндистон, Хитой), халқ сайловлари ва судлардаги чиқишлар (Греция) билан ҳам белгиланади”¹.

Оммавий ва фалсафий баҳс-мунозаралар Қадимги Шарқнинг ижтимоий ҳаётида кенг тарқалган эди. Масалан, қадимги Ҳинд фалсафий тафаккурида анъанавийлик мавжуд бўлган бўлса-да, бироқ догматик фикрлаш кўп кузатилмайди. Ҳатто муқаддас манбаларга бўлган муносабатларда ҳам бир хиллик кузатилмаган, яъни баъзи мактаблар Веданинг муқаддаслигини тан олишган бўлса, баъзилари эса тан олишмаган. Энг муҳими, уларнинг кўпчилиги ўзларининг муносабатларини рационал аргументлар билан асослашга ҳаракат қилишган. Қадимги Хитой файласуфлари томонидан ҳам баҳс юритиш билан боғлиқ жуда кўп масалалар ўрганилган. Улар, айниқса, баҳс юритиш шарт-шароитлари, усуллари, психологик жиҳатларини яхши тадқиқ этишган.

Қадимги юнон фалсафасида баҳс мунозаранинг моҳияти ва мақомининг талқин қилиниши қадимги Шарқ фалсафасига нисбатан бироз ўзгарди. Ўзгаришлар, аввало, диний муаммолардан дунёвий муаммоларга кўчишдан бошланди, яъни табиат ва инсон ҳаётида илоҳий моҳиятни чеклашга қаратилди. Айнан Юнонистонда онтологик, антропологик, эпистемологик ва бошқа масалалар қадимги файласуфлар ўртасида қизғин мунозаралар мавзусига айланганди. Кейинчалик шу асосда турли хил фалсафий мактаблар пайдо бўла бошлади.

Қадимги Грецияда ҳам баҳслашиш ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш қобилиятига катта эътибор қаратилган. Ҳатто, тадқиқот доираси баҳс

¹ Сидорова И.М. Научная дискуссия как объект философского анализа. Дисс. ... д-ра филос. наук. – Москва, 1999. – С.44.

юритиш санъати бўлган махсус билим шакли – диалектика вужудга келган. Ўша даврдаги баҳс-мунозаралар тараққиётининг муҳим сабаби қадимги мутафаккирларнинг табиий ва ижтимоий жараёнларнинг ички диалектик хусусиятини яхши англаб ета бошлаганлигида эди. Шу сабабли бу давр диалектикаси ўз тараққиётига мувофиқ тобора илмий-фалсафий масалаларни тадқиқ этиш методига, ҳақиқатни излаш ва топиш воситасига айлана бошлади.

Ўрта асрларда, баҳс-мунозаралар технологияси янада такомиллаштирилди. Илоҳиётшунослик, патристика, апологетика ва калом илми доирасида аргументлашнинг турли усуллари ва танқидий услублар ишлаб чиқилиб, баҳс-мунозаранинг янги стратегия ҳамда тактикалари жорий этила бошлади. Хусусан, Ўрта асрлар мусулмон Шарқининг фалсафаси ва илоҳиётшунослиги танқидий-таҳлилий анализдан иборат бўлган жуда кўплаб муҳим илмий, ижодий ишларга бой бўлди. Масалан, жабарийлар ва қадарийлар, хаворижлар ва муржийлар, мутакаллимлар ва мўътазилийлар, Хоразмий ва Абак, Ибн Сино ва Беруний, Ғаззолий ўртасида бўлгани каби баҳс-мунозаралар Ўрта асрлар ислом оламида одатий ҳолат ҳисобланган.

Бироқ шуниси қизиқарлики, негадир Ўрта асрлардан фарқли улароқ, ҳозирги замон мусулмон дунёсида илмий баҳс-мунозара ва танқидчилик руҳияти деярли сезилмайди, жуда кам миқдордаги баъзи ислохотчилик кайфиятидаги олимларни ҳисобга олмасак, албатта. Хусусан, бу борада профессор Ш.Мадаеванинг “бутун мусулмон олами, хусусан, Марказий Осиё илм-фани XIV-XV аср уйғониш давридан кейин том маънода илмий парадигмал тизимини йўқотиб қўйди”¹, деган фикри ҳам ўринлидир. Зеро, ҳақиқатни баҳс-мунозаралар орқали очиш, қарама-қаршиликларни бартараф этиш йўли билан ҳақиқатни кашф қилиш барча кашфиётларга яқинлашишнинг ишончли усулидир.

Танқидий фикрлашнинг сўниб қолганлик сабабларини ҳар хил тушунтириш мумкин. Бу ҳолатни Шарқ мамлакатларининг улушига узоқ вақт Ғарбнинг мустамлакасига айланиш тақдири ёзилганлиги билан асослаш мумкиндир. Эҳтимол, мусулмон дунёсида Европа колонизацияси таъсири остида ҳокимият томонидан фикрлар хилма-хиллиги, танқидий фикрлаш кўникмасининг мақсадли тарзда буғилганлиги сўниш сабаби бўлгандир. Мусулмон цивилизациясида танқидийлик руҳиятининг пасайиши ёки йўқ бўлиб кетиш сабаблари ҳақидаги бу каби тушунтиришлар тўлиқсиз ва мавҳумлигича қолмоқда. Бироқ, диссертантнинг фикрича, бугунги кунда мусулмон цивилизациясидаги танқидий фикрлашнинг сўниш сабабларини тадқиқ қилишдан ҳам кўра унинг оқибатларини ўзгартириш кераклиги долзарброқ бўлиб турибди. Ҳозирги кунда танқидий руҳнинг етишмаслиги, янги ва оригинал ғояларнинг туғилиш йўллари тўсиб қўйилганлиги, ортодоксал қарашлар

¹ Мадаева Ш. Ориентализм Шарқ ва Ғарб диалоги тадқиқининг методи сифатида //Фалсафий маданиятлар мулоқоти(илмий мақолалар тўплам) Т.:НИШОН-НОШИР, 2014.–Б.14.

билан баҳс-мунозара қила оладиган файласуф ва диншунослар, ёзувчи ва сиёсатчиларнинг танқислиги мусулмон жамиятларида экстремизм ва терроризм каби иллатларнинг эркин илдиз отишига ҳам замин яратмоқда.

XX асрнинг бошларига келиб, баҳс-мунозара назарияси ва амалиёти муаммолари олимлар томонидан деярли ўрганилмай қўйди. Натижада узок йиллар давомида мантиққа оид бўлган адабиётларда мантиқнинг формалашган образи ҳукмронлик қила бошлади. Бу фан оддий одамларнинг ҳақиқий ҳаётидан анча узок бўлган назарий фан сифатида гавдаланди. Мантиқнинг концептуал аппаратида баҳс ва аргументлаш билан боғлиқ атамалар йўқолаётган эди. Натижада мантиқ илми соф назарий фан сифатида гавдаланиб, ўзининг праксиологик функциясини йўқота борди. Вазият XX асрнинг иккинчи ярмига келиб ўзгара бошлади, аргументлашнинг янги йўналишга эга бўлган долзарб масалаларини тадқиқ этган илмий ишлар пайдо бўла бошлади. Шундай қилиб, баҳс феноменининг тарихий ривожланиши босқичлари, структураси ва парадигмасидаги ўзгаришлар – ҳар бир давр ҳаётининг ижтимоий-сиёсий талаб ва эҳтиёжлари, манфаатларидан келиб чиққан ҳодиса ҳисобланади.

Бобнинг «*Баҳс юритиш масаласининг илмий билиш фаолияти тури сифатида замонавий мантиқ ва эпистемологияда қўйилиши*» деб номланган иккинчи параграфиди илмий баҳснинг ҳозирги замон мантиғининг муҳим масалаларидан бири сифатидаги турли қирралари тадқиқ этилган.

XX асрнинг охирларига келиб баҳс-мунозара назарияси ва амалиёти муаммолари илк бор неориторика, ноформал мантиқ, формал диалектика, прагмадиалектика вакиллариининг ишларида ўз аксини топди. Ҳақиқат илмий баҳс-мунозараларда туғилишини инобатга оладиган бўлсак, баҳс-мунозара механизмини тадқиқ этиш зарурати, айниқса, илм-фан тараққиёт муаммоларини ҳал этиш билан бевосита боғлиқ кечади.

Бироқ методологлар бу масалада катта қийинчиликларга дуч келишмоқда, чунки илмий баҳслар кўп қиррали ҳодиса бўлиб, унда бир вақтнинг ўзида кўплаб ижтимоий-тарихий, мантиқий-методологик, ахлоқий, психологик ва бошқа характердаги муаммолар тўпламлари кесишади. Диссертацияда, аввало, баҳснинг мантиқий-гносеологик жиҳатларига қизиқиш билдирилганлиги боис, асосий эътибор илмий баҳсларнинг мантиқий-эпистемик аҳамиятига қаратилди. Масалага мантиқий-эпистемик жиҳатдан ёндашилганда, ҳақиқий илмий баҳс-мунозаралар ҳар доим рационал асосга таянади, яъни унинг самарадорлиги унда илгари сурилган аргумент ва контраргументларнинг мантиқан боғланганлиги ҳамда асосланганлиги билан белгиланади. Бу борада ишлатилган далил ва исботлар мунозара иштирокчиларига оқилона асосга таянган ҳолда ҳақиқатга эришиш имконини беради.

Диссертацияда илмий баҳс хусусида мулоҳаза юритилиб, илмий баҳсга дастлабки ишчи таъриф сифатида қўйидагича изох берилган: “илмий баҳс ўзининг мантиқий характерига кўра илмий муаммоларни тадқиқ қилиш жараёнида муҳокама қилиш йўли билан ҳақиқатни излашга мўлжалланган

мулоқотнинг энг уюшган ва тизимли шаклидир. Илмий баҳсда доимий равишда томонлар учун далил излаш, уларни тасдиқлаш ёки инкор этиш, мақбуллари танлаш муҳим роль ўйнайди”.

Шундай қилиб, жаҳон фалсафий тадқиқотлар тизимида илмий баҳс феномени ва унинг имкониятларини замонавий мантиқ ва эпистемология нуқтаи назаридан махсус ўрганиш илмий-амалий ҳамда назарий аҳамиятга эгадир. Зеро, илмий баҳс-мунозаранинг бош вазифаси муаммони ҳал қилиш йўллари топиш, унинг ечимига эришиш учун қарама-қарши тарафлар ўртасида ўзаро келишув ва ҳамкорлик излашдир.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **«Илмий баҳс юритишнинг мантиқий-эпистемологик воситалари»** деб номланиб, у уч параграфдан иборат. Мулоқот, баҳс ва мунозараларнинг мантиқий механизмини ўрганиш, билиш жараёнининг ижодий-диалектик табиатини таҳлил қилиш учун жуда муҳимдир. Мазкур бобда илмий баҳс юритишнинг услубий масалалари тадқиқ этилган. Бунда илмий баҳснинг мантиқий-эпистемик воситалар контекстида олиб қаралиши тадқиқот мавзусининг янги қирраларини очишга имкон беради.

Бобнинг **«Баҳс юритиш ва далиллаш»** деб номланган биринчи параграфида далиллаш ва баҳс-мунозара юритиш масалаларининг айнан бир тадқиқот доирасида бирлаштирилиши, далиллаш ва баҳс-мунозараларнинг мулоқот воситалари сифатида ўзаро чамбарчас боғлиқлиги билан асосланади.

Баҳс далиллашнинг хусусий кўриниши, унинг энг жиддий ва кескин шаклидир. Далиллаш муаммосини тадқиқ этиш бевосита баҳс-мунозара масаласини кўриб чиқиш ва уни олиб бориш қоидаларини ифодалашга уринишлар билан боғлиқ кечади. Чунки, далиллаш кўпинча айнан баҳс жараёнида қўлланилади. Диссертацияда далиллашга кўп қиррали жараён сифатида ёндашилганда нутқ, доклад, маъруза, суҳбат, амри маъруф кабиларнинг ҳам далиллаш усуллари тарзида намоён бўлиши маълум бўлади. Уларнинг далиллаш турлари сифатида баҳс билан ўхшаш-умумий томонлари кўп. Айни пайтда, улар бир-биридан амалга ошиш шакли, ташкил этиш усули, тузилиши, далиллар алмашиш механизмлари ва бошқа асослар бўйича фарқланади. Уларни концептуал жиҳатдан фарқлаш зарур. Хусусан, бунда уларнинг моҳиятини кўрсатган ҳолда ажратиб тавсифлаш ва шу тариқа далиллашнинг турли кўринишларда амалга ошишини кўрсатиш лозим.

Далиллашнинг бошқа содда шаклларида фарқли равишда баҳс-мунозарада доимий равишда ҳар иккала томон учун далил излаш, уларни тасдиқлаш ёки инкор этиш, мақбуллари танлаш ҳодисаси муҳим роль ўйнайди. Ҳар қандай далил-исбот ўз предмети ёки мавзусига эга бўлади, баҳс эса айнан бир объект ва ҳодиса ҳақида ўзаро мос келмайдиган тасаввурлар мавжудлиги билан ҳам характерланади.

Диссертацияда баҳснинг исботлаш ва рад этиш жараёни билан боғлиқлиги, уни тўғри амалга ошириш учун исботлаш ва рад этиш қоидаларига тўла риоя қилиш кераклиги, уларни бузганда келиб чиқадиган мантиқий хатоларни аниқлаш ва тузатиш зарурлиги асосланган.

Бобнинг «*Илмий баҳсда савол-жавоб комплексининг қўлланилиши*» деб номланган иккинчи параграфиди илмий баҳсда савол-жавоб комплексининг мақсадга мувофиқ қўлланилиш шарт-шароитлари ўрганилган. Чунки савол-жавоб усули ҳар қандай муҳокаманинг "скелети"ни ташкил қилади, унинг фалсафасини, суҳбатнинг диалектикасини шакллантиради.

Савол-жавоб комплекси кишиларнинг ўзаро мулоқоти ва тафаккурининг зарурий элементи ҳисобланади. Ушбу мантикий-лингвистик ҳодиса фикрлаш ва мулоқот қилишда икки муҳим вазифани: эпистемик ва коммуникатив вазифани бажаради. Савол-жавоб комплексининг эпистемик функцияси инсоннинг ташқи дунё ва ўзи ҳақидаги билимини тафаккур ва тилда ифода этишидан иборат. Коммуникатив функция, ўз навбатида, савол ва жавоб комплекси орқали билим ва ғояларни (фикр ва нуқтаи назарларни) бир кишидан бошқасига ўтказиш вазифасини амалга оширади.

Савол ва жавоб комплекси биргаликда баҳсдаги қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашини ҳосил қилади. Савол – маълум бир мавзунини билиш ёки тушунишда ноаниқликни бартараф этиш талабини белгиловчи фикрлаш воситасидир. Жавоб эса, саволнинг сабаби ва саволдаги ноаниқликни қисқартириш воситасидир.

Баҳс-мунозарада ҳақиқатни аниқлаштириш мақсади принципиал, объектив асосга эга бўлиши лозим. Шунинг учун саволлар мавжуд воқеликнинг диалектикасини билиш, асосий ички ва ташқи алоқалар контекстига кириб бориши, уларнинг динамикасини баҳолаш учун мўлжалланган бўлиши керак.

Баҳс жараёнида, одатда, оппонентлар томонидан савол берилади ва уларга жавоб қайтарилади. Саволлар ва жавоблар баҳс мавзусига ҳамда оппонентнинг тезисларига мос келиши, улар доирасидан четга чиқмаслиги керак, чунки баҳс бўлмағур нарсани ҳақидаги суҳбатга айлантирилмаслиги лозим. Баҳсда савол-жавоб ҳаракати иккинчи даражали ва ўзгарувчан хусусиятларга эга бўлган масалаларга эмас, балки баҳсли муаммоларнинг моҳиятини аниқлашга қаратилган ҳаракат бўлиши керак.

Х.Г. Гадамер сўроқлаш ва билиш ўртасидаги муҳим алоқадорликни таъкидлаб ўтиб, «Саволлари бор бўлган кишидагина билим бўлади», деб эътироф этади. Шундан келиб чиқиб, у навбатдаги тезисини баён этади: «Сўроқлаш санъати – тафаккур қилиш санъатидир. У тўғри суҳбат куриш санъати бўлгани учун диалектика деб номланган»¹.

Мазкур бобнинг учинчи параграфи «*Илмий билишда баҳс юритиш стратегияси ва тактикасининг амалга ошириш шарт-шароитлари*» деб номланган. Баҳс юритиш, далиллаш ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муҳим қиррасини ташкил этади. У турли ижтимоий-сиёсий доктриналар, мафкуралар, дунёқарашлар тўқнашуви, курашида ўз ифодасини топади. Баҳс фикрлар тўқнашуви ва курашидан иборат бўлган коммуникатив жараён ҳисобланади.

¹ Гадамер Х.Г. Истина и метод.-М.: Прогресс.1988, -С.431.

Шунинг учун у мулоқотнинг муайян режаси асосида мос воситалардан фойдаланган ҳолда тартибли, тизимли равишда амалга оширилишдан иборат бўлган стратегия ва тактикани тақозо этади.

Баҳс турига қараб, маълум бир усулдаги стратегия ва тактика қўлланилади. Стратегия баҳс-мунозара тузилишининг умумий режасидир. Концепцияга эга бўлмай туриб, стратегияни ишлаб чиқиб бўлмайди. Стратегия концепцияни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилади, шунинг учун ҳам стратегия концепция ва илмий гипотезанинг структураси ҳамда функцияларига боғлиқ бўлади.

Баҳс стратегияси тўғрисида гапирилар экан, унинг мулоқотдаги томонлар учун битта бўлмаслиги, кўп ҳолларда оппонент ва пропонентларнинг ўз стратегиясига эга бўлишини таъкидлаш лозим. Яъни, битта концепцияни амалга ошириш учун унинг конкрет мақсади, вазияти, шарт-шароити, бошланғич позицияси, алоқа шароитлари ва таълим воситасига қараб бир неча стратегиялар ишлаб чиқилиши мумкин.

Баҳс-мунозара стратегияси бир қанча компонентлардан ташкил топади. Булар: қўйилган мўлжални аниқлаштириш, муҳокама предметидаги асосий саволларни ажратиб олиш ва тезисни шакллантиришдан иборат. Стратегия бутун фаолиятни концепцияга бўйсундириш, оғишишлардан қочиш ва мақсадга муваффақиятли эришиш учун зарурдир. Бироқ стратегиянинг яқка ўзи орқали деталли ва конкрет амалий натижага эришиб бўлмайди. Бундай натижа тактика билан ҳамкорликда қўлга киритилади.

Баҳс-мунозара тактикаси ғояни амалга ошириш воситасидир. Тактикада ресурсларни бевосита амалиётга жорий этиш билан шуғулланилади. Ушбу босқичнинг асоси тактик қонун-қоида ва аргументларга асосланган нутқни тайёрлаш ҳисобланади. У ўз таркибига конкрет баҳсли ҳолатнинг таҳлилини ва шу таҳлил асосида қабул қилинган тактик қарорларни камраб олади.

Баҳс-мунозаралар одатда муайян контекстда кишиларнинг эътиқодлари, тамойиллари, шаъни ва ғурурига, шахсий кадр-қимматига таъсир этган ҳолда содир бўлади. Бу ҳолат барча шароитларни ҳисобга олган ҳолда маълум бир усулдаги баҳс-мунозарани танлашни талаб қилади.

Диссертациянинг **«Баҳснинг билиш жараёни ва ижтимоий ҳаёт муаммоларини ҳал этишдаги роли»** деб номланган учинчи боби икки параграфдан иборат. Бобнинг **“Баҳс юритишнинг илмий муаммоларни қўйиш ва ҳал этишдаги тутган ўрни”** номли биринчи параграфида илмий баҳс-мунозаранинг илмий билиш жараёни ва амалий фаолият соҳасида вужудга келадиган муаммолар ечимини топиш борасида мақбул усул сифатидаги функционал жиҳатлари таҳлил қилинади.

Аргументлаш назариясининг фалсафий муаммолари орасида баҳснинг коммуникация воситаси сифатида илм-фан ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт тизимидаги интеграциясини ўрганишнинг долзарблиги, илмий баҳс феноменининг мантиқий-эпистемологик мақомини яратишга эҳтиёж туғдирди. Илм-фан соҳасида юз берган муайян мунозараларни таҳлил қилиш, баҳс-мунозара

муаммосини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, фаннинг фундаментал муаммолари ҳисобланган “модданинг тузилишига оид классик ғоялар ва физика бўйича янги экспериментал билимлар ўртасидаги баҳс”¹, А.Эйнштейн ва Н.Бор ўртасида микротўлқинлардаги қонуниятларнинг табиати борасидаги баҳс, биологиядаги генетик код ва ирсият тўғрисидаги эски тасаввурлар ўртасидаги баҳс-мунозаралар бу фанлардаги инқилобий ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди.

